

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**АКНАЗАРОВА ДИЛФУЗА БАХТИЯРОВНА**

**ЖАМОАТ ВА ДАВОЛОВЧИ ОВҚАТЛАНИШ УЧУН БИОЛОГИК**  
**ФАОЛ ҚЎШИМЧАЛАРНИНГ ОЗУҚАВИЙ ВА БИОЛОГИК**  
**ҚИЙМАТИ**

**14.00.07 – Гигиена**

**тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ-2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of phylosophy (PhD)**

**Акназарова Дилфуза Бахтияровна**

Жамоат ва даволовчи овқатланиш

учун биологик фаол қўшимчаларнинг

озуқавий ва биологик қиймати..... 3

**Акназарова Дилфуза Бахтияровна**

Пищевая и биологическая ценность

биологически активных добавок для

лечебного и общественного и питания..... 27

**Aknazarova Dilfuza Bakhtiyarovna**

Nutritional and biological value of biologically

active additives for public and therapeutic nutrition..... 51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 58

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**АКНАЗАРОВА ДИЛФУЗА БАХТИЯРОВНА**

**ЖАМОАТ ВА ДАВОЛОВЧИ ОВҚАТЛАНИШ УЧУН БИОЛОГИК  
ФАОЛ ҚЎШИМЧАЛАРНИНГ ОЗУҚАВИЙ ВА БИОЛОГИК  
ҚИЙМАТИ**

**14.00.07 – Гигиена**

**тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ-2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.1.PhD/Tib2423 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tma.uz](http://www.tma.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Шайхова Гули Исламовна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Камилова Роза Толановна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Искандарова Шахноза Тўлкиновна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:** **Хожа Аҳмад Яссавий номидаги халқаро қозок-турк университети (Қозоғистон Республикаси)**

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Форобий кўчаси, 2-уй. Тошкент тиббиёт академиясининг 10-ўқув биноси, 1-қават мажлислар зали. Тел./факс: (99878) 150-78-25, e-mail: [info@tma.uz](mailto:info@tma.uz)).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани Форобий кўчаси 2-уй; Тошкент тиббиёт академиясининг 2-ўқув биноси «Б» корпуси, 1-қават, 7-хона. Тел./факс: (99878) 150-78-14)

Диссертация автореферати 2025 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ да куни тарқатилди.  
(2025 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Ф.И. Саломова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси  
ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори,  
профессор

**Д.Ш.Алимухамедов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий  
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Ф.И. Саломова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда овқатга қўшиладиган биологик фаол қўшимчалар асосан озучавий дисбалансни бартараф этишнинг деонтологик усулларнинг бири сифатида профилактика мақсадлари учун соғлом шахсларда фойдаланишга мўлжалланган. Табиий қўшимчалар – бу уларни «яратилиши»да табиатда иштирок этадиган қўшимчалардир. Бундай қўшимчалар кўпинча юз ва ҳатто минг йиллар давомида фойдаланилган. Гарчи ҳозирги кунга келиб, замонавий билимлар ва технологиялар шубҳасиз, табиий қўшимчалар рўйхатини сезиларли кенгайтди. Улар танқислигини анъанавий маҳсулотлар ҳисобига бартараф этишнинг имкони бўлмаганда, зарурий компонентларни, асосан нутриентларни организмга тушишини таъминлаган ҳолда, рационни якуний коррекциясини амалга оширишга имкон беради. Буғдой кепегининг кукуни амалий жиҳатдан бир хилдаги самарага эга бўлади. Агар буғдойнинг ёш куртакларини (ўсиш муддати ўртача 14 кунлик) яхшилаб йиғиш ва паст ҳароратда қуритиш амалга оширилса, янги майсадаги озучавий моддаларнинг таркибидаги хлорофилни катта қисми ва бошқа озучавий моддалар ўзининг озучавий қиймати ва биологик фаоллигини сақлаб қолади. Шуниси муҳимки, буғдой куртаги кукунини ишлаб чиқаришнинг ҳар қандай босқичида ҳарорат режими тўғри сақланиши лозим (45С).

Жаҳонда даволаш ва жамоат овқатланиши учун қўлланиладиган буғдой бачкисидан олинган функционал овқатланиш маҳсулотларини озучавий ва биологик қийматини ўрганиш бўйича қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада жамоавий ва даволовчи овқатланиш учун буғдой бачкисини функционал овқатланишдаги маҳсулот сифатида озучавий қийматини баҳолаш, темир танқислик камқонлигидан (ТТК) азият чекувчи беморларни даволаш ва касалликни олдини олишда буғдой бачкисини функционал овқатланиш маҳсулоти сифатида фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш, оғиз бўшлиғи органларининг ҳолатига буғдой бачкисидан олинган «Майсара» нинг таъсири ва функционал овқатланиш маҳсулоти ўсимлик хом ашёсини қўллаш фонида болалардаги оғиз бўшлиғи суюқлигининг физик-кимёвий хусусиятларини ўрганишга қаратилган тадқиқотлар алоҳида илмий аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, соғлиқни сақлаш тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, овқатланишга боғлиқ бўлган касалликларни олдини олиш, функционал овқатланиш маҳсулотларини қўллаш ёрдамида алиментар касалликларни даволашга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг етти устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини

яхшилаш....»<sup>1</sup> каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда темир танқислик камқонлиги билан касалланган беморлар учун функционал маҳсулотларни қўллаш йўли билан тадқиқотларни ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 10 ноябрдаги 4887-сон «Аҳолини соғлом овқатланишни таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида», 2024 йил 16 февралдаги 63-сон «Ўзбекистон Республикасининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** XXI асрнинг овқатланиш формуласи – бу рационда анъанавий табиий озиқ-овқат маҳсулотлари билан бир қаторда овқатда биологик фаол қўшимчаларни (БФҚ) ва мақсадли хусусиятга эга бўлган маҳсулотлар (функционал озиқ-овқат маҳсулотлари) дан мунтазам равишда фойдаланиш (Тутельян В.А., 2010; Литывин Ф.Б. ва бошқ., 2018) темир танқислик камқонлигини даволашнинг турли босқичларида стратегик аҳамиятга эга бўлади. Бундай ёндошувнинг аҳамияти шу билан белгиланадики, нутриетив статус айниқса терминал босқичидаги беморларни касалланиши ва ўлим ҳолатида муҳим детерминантни ташкил этади. Ҳозирги кунда нафақат кучсиз ривожланган мамлакатларда, балки АҚШ, Канада, Янги Зеландия, Хитой, Япония, Россия ва бошқа давлатларда аҳоли ва болалар ўртасида фас-фут маҳсулотларини истеъмол қилиш, улар таркибидаги кальций, магний, рух ва витаминлар ва минерал моддаларнинг етишмаслиги билан боғлиқ бўлиб, бу овқатланиш билан боғлиқ бўлган қатор муаммоларга олиб келади. Темир, йод танқислиги, ортиқча тана оғирлиги ва семизлик, уларни юзага келиши учун қулай шароитларни яратилиши каби муаммолар, йўлдош касалликларни олдини олишда профилактик ва парҳезли овқатланишни ташкил этиш, бир қатор муаллифларнинг олиб борган тадқиқотларида кўриб чиқилган (Kim S., Haines P.S., Siega-Riz A.M. et al.,

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

2003; Калуца Дж., Хаканссон Н., Бжозовска А., Волк А., 2009; Цзян С, Ян С, Чжан И., Ван Б., Сунь Л., Шан Л., 2014; Jyh Eiin Wong, Haszard J.J., Howe A.S. ва бошқ., 2017). Исботландики, аҳолининг суткалик рационида микроэлементлар етишмаслигини олдини олиш ва кун тартибдаги соғлом овқатланиш манбалари хаддан ташқари чегаралангандир (Скворцов И.А., 2000; Хомская Е.Д., 2003; Куинджи Н.Н., 2009; Джейн Хили, 2004; Steve Buddulph, 2006). Макро ва микроэлементларнинг етишмаслиги билан боғлиқ бўлган касалликларни таҳлил натижалари бўйича бир қатор мажмуавий тадқиқотларни ўтказиш талаб этилади (Кучма В.А., 2016; 2018; А.А. Баранов, 2019). Хорижий олимлар томонидан олиб борилган илмий-тадқиқотлардаги даврий соғлом овқатланишни ташкил этиш ҳолати ҳозирги куннинг энг долзарб муаммоларидан бири бўлиб ҳисобланади (Онищенко Г.Г., 2007; Кучма В.Р., 2015).

Ўзбекистонда жамоат ва даволовчи овқатланиш учун янги маҳсулотларни ишлаб чиқиш ва ўрганиш бўйича қатор илмий тадқиқотлар (Шайхова Г.И., 2023; 2021; Саломова Ф.И., 2015; Эрматов Н.Ж. ва бошқ., 2019; Алимухамедов Д.Ш., 2017; Отажонов И.О., 2020; Шайхова Г.И., Зуфаров К.А. ва бошқ., 2017; Рахимов Б.Б., 2016; Азимов Л.А., 2023; Ортиков Б.Б., 2023; Рустамов Б.С., 2014; Рустамова М.Т., 2020), бироқ, даволаш ва жамоат овқатланиши учун буғдой бачкисидан олинган функционал овқатланиш маҳсулотларининг тиббий-биологик хусусиятларини ўрганиш бўйича мақсадли тадқиқотлар ўтказилмаган ва функционал аҳамиятга эга бўлган янги маҳсулотларга технологик йўриқнома ҳамда техник шароитларни илмий асосланиши ишлаб чиқилмаган.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, даволаш ва жамоат овқатланиши учун қўлланиладиган буғдой бачкисидан олинган функционал овқатланиш маҳсулотларини озуқавий ва биологик қийматини ўрганишга қаратилган тадқиқотларни олиб бориш зарурлигини тақозо этади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган таълим муссасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ № 03-012300284 «Ўзбекистон Республикаси аҳолисини саломатлик ҳолатини яхшилашни ижтимоий-гигиеник жиҳатлари, касалланишга таъсир этувчи омилларни баҳолаш усуллари ва хавф омилларини башорат қилишни такомиллаштириш» (2023-2027 йй.) мавзуси дорисида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** даволаш ва жамоат овқатланиши учун қўлланиладиган буғдой майсаларидан «Майсара» табиий маҳсулотининг озуқавий ва биологик қийматини баҳолашни такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

жамоат ва даволовчи овқатланиш учун буғдой майсаларидан «Майсара» табиий маҳсулотининг озуқавий қийматини баҳолаш;

буғдой майсаларидан «Майсара» табиий маҳсулотининг тиббий-биологик баҳолаш;

буғдой майсаларидан «Майсара» табиий маҳсулотининг темир танқислик камқонлигидан (ТТК) азият чекувчи касалликни олдини олиш ва даволашда фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш;

буғдой майсаларидан «Майсара» табиий маҳсулотининг тиббий-биологик баҳоланишини қўлланилиш фониди болалардаги оғиз-бўшлиғи суяқлигининг физик-кимёвий хусусиятларини ўрганиш; оғиз бўшлиғи ҳолатига таъсирини баҳолаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида «ORIONA - SKORPION» АЖ томонидан ишлаб чиқарилган буғдой майсаларидан «Майсара» табиий маҳсулоти, зотсиз оқ каламушлар, қуёнлар, денгиз чўчқалар, темир танқислик камқонлигидан азият чекувчи 30 нафар беморлар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида буғдой майсаларидан «Майсара» табиий маҳсулотининг озукавий ва биологик қийматини, ўсимлик хом ашёси буғдой куртагидан олинган «Майсара» функционал овқатланиш маҳсулоти тиббий-биологик, ТТК дан азият чекувчи беморларда куртагидан олинган «Майсара» маҳсулотини қўллаш самарадорлигини, шунингдек оғиз бўшлиғи органлари ҳолатига буғдой куртагидан олинган «майсара» маҳсулотининг кўрсатадиган таъсирини баҳолаш материаллари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда органолептик, физик-кимёвий, микробиологик, биологик, токсикологик, экспериментал, клиник, ҳисоблаш ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйдагилардан иборат:

буғдой майсаларидан «Майсара» табиий маҳсулотга технологик йўриқнома ва техник шартлар ишлаб чиқилиб, маҳсулотнинг органолептик, физик-кимёвий ва биологик кўрсаткичлари бўйича хавфсизлиги, шунингдек микро ва макронутриентлар етишмовчилигини олдини олишга қаратилган хусусиятлари асосланган;

тажриба шароитида буғдой майсаларидан «Майсара» табиий маҳсулотининг тиббий-биологик хавфсизлигини баҳолаш орқали у захарли эмаслиги, шиллик қаватларга таъсир қилмаслиги, ортиқча юборилганда сенсibiliзация ва гонодотоксик таъсир кўрсатмаганлиги исботланган;

темир танқислиги камқонлиги ташхисланган беморларнинг кунлик рационини буғдой майсаларидан «Майсара» табиий маҳсулоти билан бойитиш периферик қон кўрсаткичлари яхшилашга, камқонликни клиник белгиларини сезиларли даражада камайтиришга, иштаҳани яхшилашга ва жисмоний фаолликни оширишга самарали таъсир кўрсатиши исботланган;

буғдой майсаларидан «Майсара» табиий маҳсулотининг камқонлик билан хасталанган беморларнинг физиологик кўрсаткичларига ижобий таъсирини ҳисобга олган ҳолда, уни профилактика чора-тадбири учун асос сифатида профилактик маҳаллий рационига киритиш ва бойитиш тартиби исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйдагилардан иборат:

буғдой майсаларидан «Майсара» табиий маҳсулотининг органолептик, физик-кимёвий ва биологик хусусиятлари аниқланган, технологик йўриқнома ва техник шароитлари ишлаб чиқилган;

буғдой майсаларидан «Майсара» табиий маҳсулотининг тиббий-биологик хавфсизлиги баҳолаган;

темир танқислиги камқонлигидан азият чекувчи беморлар учун буғдойнинг буғдой майсаларидан «Майсара» табиий маҳсулотини қўллаш тавсия этилган;

оғиз бўшлиғидаги сўлак аралашмасини кальций ионлари билан тўйинтириш учун буғдой майсаларидан «Майсара» табиий маҳсулотидан фойдаланиш тавсия этилган, бу тишлардаги минерализация жараёнларини фаоллашишига олиб келган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган органолептик, физик-кимёвий, микробиологик, биологик, токсикологик, экспериментал, клиник, ҳисоблаш ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилганлиги, хулоса ва олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти буғдой майсаларидан «Майсара» табиий маҳсулотининг озуқавий ва биологик қиймати, тиббий-биологик хавфсизлиги, органолептик, физик-кимёвий кўрсаткичлари баёнидан иборат; буғдойнинг био майсалари «Майсара» табиий маҳсулоти Ўзбекистон Республикасида ОАЖ «ORIONA - SKORPION» томонидан ишлаб чиқарилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ТТКдан азият чекувчи беморлар учун буғдойнинг био майсалари «Майсара» табиий маҳсулоти киритилган даволаш парҳезидан фойдаланилган, у беморларнинг саломатлик ҳолатига ижобий таъсир кўрсатиб, ақлий ва жисмоний ҳолатини яхшилайти, ҳаёт сифатини оширади, беморларни клиникада даволаниш вақтини қисқартиради, шунингдек дори воситали ва инвазив аралашувлар фойзини камайтириши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Жамоат ва даволовчи овқатланиш учун биологик фаол қўшимчаларнинг озуқавий ва биологик қийматини асослаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик: буғдой майсаларидан «Майсара» табиий маҳсулотга технологик йўриқнома ва техник шартлар ишлаб чиқилиб, маҳсулотнинг органолептик, физик-кимёвий ва биологик кўрсаткичлари бўйича хавфсизлиги, шунингдек микро ва макронутриентлар етишмовчилигини олдини олишга қаратилган хусусиятлари асосланганлиги бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академияси мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2023 йил 21 октябрдаги 10-23/163-т-сон билан тасдиқланган «Гигиеническое обоснование пищевой, биологической ценности и эффективности функционального питания пшеничные побеги «MAYSARA» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Тошкент шаҳар санитария эпидемиология осойишталиги ва жамоат

саломатлиги бошқармаси бўйича 22.06.2024 йилдаги 120-сон ҳамда Андижон вилоят санитария эпидемиология осойишталиги ва жамоат саломатлиги бошқармаси бўйича 27.05.2024 йилдаги 01-01/87-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 22 октябрдаги 07/110-сон хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: буғдой майсаларидан «Майсара» табиий маҳсулотининг органолептик, физик-кимёвий ва биологик хусусиятларини, у заҳарли эмаслиги, кўзнинг шиллиқ қаватларга таъсир қилмаслиги, кўп юборилганда сенсибилизация ва гонодотоксик таъсир кўрсатмаслиги туфайли тиббий-биологик хавфсизлигини инобатга олиб, темир танқислиги камқонлигини самарали олдини олиш тизимини шакллантириш, беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш ва ногиронликни олдини олишга асос бўлган. Иқтисодий самарадорлиги: мазкур касалликни стационар шароитда етти кун давомида йилига икки марта даволаш учун срафланадиган 1526000 сўм бюджет маблағлари темир танқислиги камқонлиги ташхисланган беморларнинг кунлик рационини буғдой майсаларидан «Майсара» табиий маҳсулоти билан бойитиш орқали касалликнинг оғир асоратларини олдини олиш нантижасида иқтисод қилинади;

иккинчи илмий янгилик: тажриба шароитида буғдой майсаларидан «Майсара» табиий маҳсулотининг тиббий-биологик хавфсизлигини баҳолаш орқали у заҳарли эмаслиги, шиллиқ қаватларга таъсир қилмаслиги, ортиқча юборилганда сенсибилизация ва гонодотоксик таъсир кўрсатмаганлиги исботланганлиги бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академияси мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2023 йил 21 октябрдаги 10-23/163-т-сон билан тасдиқланган «Гигиеническое обоснование пищевой, биологической ценности и эффективности функционального питания пшеничные побеги «MAYSARA» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Тошкент шаҳар санитария эпидемиология осойишталиги ва жамоат саломатлиги бошқармаси бўйича 22.06.2024 йилдаги 120-сон ҳамда Андижон вилоят санитария эпидемиология осойишталиги ва жамоат саломатлиги бошқармаси бўйича 27.05.2024 йилдаги 01-01/87-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 22 октябрдаги 07/110-сон хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: буғдой майсаларидан «Майсара» табиий маҳсулотининг органолептик, физик-кимёвий ва биологик хусусиятларини, у заҳарли эмаслиги, кўзнинг шиллиқ қаватларга таъсир қилмаслиги, кўп юборилганда сенсибилизация ва гонодотоксик таъсир кўрсатмаслиги туфайли тиббий-биологик хавфсизлигини инобатга олиб, темир танқислиги камқонлигини самарали олдини олиш тизимини шакллантириш, беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш ва ногиронликни олдини олишга асос бўлган. Иқтисодий самарадорлиги: мазкур касалликни стационар шароитда етти кун давомида йилига икки марта даволаш учун срафланадиган 1526000 сўм бюджет маблағлари темир танқислиги камқонлиги ташхисланган беморларнинг кунлик рационини буғдой майсаларидан «Майсара» табиий маҳсулоти билан

бойитиш орқали касалликнинг оғир асоратларини олдини олиш нантижасида иқтисод қилинади;

учинчи илмий янгилик: темир танқислиги камқонлиги ташхисланган беморларнинг кунлик рационини буғдой майсаларидан «Майсара» табиий маҳсулоти билан бойитиш периферик қон кўрсаткичлари яхшилашга, камқонликни клиник белгиларини сезиларли даражада камайтиришга, иштаҳани яхшилашга ва жисмоний фаолликни оширишга самарали таъсир кўрсатиши исботланганлиги бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академияси мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2023 йил 21 октябрдаги 10-23/163-т-сон билан тасдиқланган «Гигиеническое обоснование пищевой, биологической ценности и эффективности функционального питания пшеничные побеги «MAYSARA» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Тошкент шаҳар санитария эпидемиология осойишталиги ва жамоат саломатлиги бошқармаси бўйича 22.06.2024 йилдаги 120-сон ҳамда Андижон вилоят санитария эпидемиология осойишталиги ва жамоат саломатлиги бошқармаси бўйича 27.05.2024 йилдаги 01-01/87-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 22 октябрдаги 07/110-сон хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: буғдой майсаларидан «Майсара» табиий маҳсулотининг органолептик, физик-кимёвий ва биологик хусусиятларини, у захарли эмаслиги, кўзнинг шиллик қаватларга таъсир қилмаслиги, кўп юборилганда сенсibiliзация ва гонодотоксик таъсир кўрсатмаслиги туфайли тиббий-биологик хавфсизлигини инобатга олиб, темир танқислиги камқонлигини самарали олдини олиш тизимини шакллантириш, беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш ва ногиронликни олдини олишга асос бўлган. Иқтисодий самарадорлиги: мазкур касалликни стационар шароитда етти кун давомида йилига икки марта даволаш учун срафланадиган 1526000 сўм бюджет маблағлари темир танқислиги камқонлиги ташхисланган беморларнинг кунлик рационини буғдой майсаларидан «Майсара» табиий маҳсулоти билан бойитиш орқали касалликнинг оғир асоратларини олдини олиш нантижасида иқтисод қилинади;

тўртинчи илмий янгилик: буғдой майсаларидан «Майсара» табиий маҳсулотининг камқонлик билан хасталанган беморларнинг физиологик кўрсаткичларига ижобий таъсирини ҳисобга олган ҳолда, уни профилактика чора-тадбири учун асос сифатида профилактик маҳаллий рационига киритиш ва бойитиш тартиби исботланганлиги бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академияси мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2023 йил 21 октябрдаги 10-23/163-т-сон билан тасдиқланган «Гигиеническое обоснование пищевой, биологической ценности и эффективности функционального питания пшеничные побеги «MAYSARA» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Тошкент шаҳар санитария эпидемиология осойишталиги ва жамоат саломатлиги бошқармаси бўйича 22.06.2024 йилдаги 120-сон ҳамда Андижон вилоят санитария эпидемиология осойишталиги ва жамоат саломатлиги бошқармаси бўйича 27.05.2024

йилдаги 01-01/87-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 22 октябрдаги 07/110-сон хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: буғдой майсаларидан «Майсара» табиий маҳсулотининг органолептик, физик-кимёвий ва биологик хусусиятларини, у заҳарли эмаслиги, кўзнинг шиллик қаватларга таъсир қилмаслиги, кўп юборилганда сенсибилизация ва гонодотоксик таъсир кўрсатмаслиги туфайли тиббий-биологик хавфсизлигини инобатга олиб, темир танқислиги камқонлигини самарали олдини олиш тизимини шакллантириш, беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш ва ногиронликни олдини олишга асос бўлган. Иқтисодий самарадорлиги: мазкур касалликни стационар шароитда етти кун давомида йилига икки марта даволаш учун срафланадиган 1526000 сўм бюджет маблағлари темир танқислиги камқонлиги ташхисланган беморларнинг кунлик рационини буғдой майсаларидан «Майсара» табиий маҳсулоти билан бойитиш орқали касалликнинг оғир асоратларини олдини олиш нантижасида иқтисод қилинади.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокомадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилмаси.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловодан иборат. Диссертациянинг ҳажми 100 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Соғлом ва функционал озиқ – овқат маҳсулотлари, биологик фаол қўшимчалар**» деб номланган биринчи бобида мазкур муаммонинг замонавий ҳолати, овқатга қўшиладиган биологик фаол қўшимчалар, табиий қўшимчалар, юқори озуқавий қийматга эга бўлган ва истеъмол хусусиятлари яхшиланган генетик модификацияланган манбалар тайёрланадиган озиқ-овқат маҳсулотлари

(яъни микронутриентлар ҳамда эссенциал озуқавий моддалар билан бойитилган, функционал озиқ-овқат маҳсулотлари), овқатга кўшиладиган биологик фаол кўшимчалар, микронутриентлар концентратлари ва бошқа минор ноозуқавий биологик фаол моддалардан доимий равишда фойдаланиш ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «Тадқиқотлар материаллари ва усуллар» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот предмети, объекти ҳамда қўлланилган тадқиқот усулларига таъриф берилган.

**Тадқиқотлар:** Тадқиқотлар Тошкент тиббиёт Академияси болалар, ўсмирлар ва овқатланиш гигиенаси кафедраси (ТТА), олий ўқув юртлири аро илмий тадқиқот лабораторияси (МИТЛ); Давлат санитария эпидемиология осойишталиги маркази лабораторияларида, ЎЗР академик С.А.Юнусов номидаги ўсимликлар кимёси институтининг тажриба марказида ўтказилди.

**Тадқиқот объекти:** буғдойнинг био майсалари «Майсара» табиий маҳсулоти ўсимлик хом ашёсининг ҳосиласи асосида олинган буғдойнинг био майсалари «Майсара» табиий маҳсулоти. Мазкур препаратни Ўзбекистондаги ОАЖ «ORIONA - SKORPION» томонидан гуруҳда 6 эркак ва 6 урғочи каламушлар бўлган гуруҳда синовдан ўтказиш режалаштирилди; ўрта ва оғир даражали аралаш тавсифига эга бўлган ва темир танқислик камқонлигига учраган 30 нафар беморлар; тиш кариесига учраган беморлар (10 ёшдан 14 ёшгача бўлган 28 нафар болалар).

**Тадқиқот усуллари.** Буғдойнинг био майсалари «Майсара» табиий маҳсулоти органолептик баҳолаш беш балли тизим бўйича амалга оширилди (ДавСТ 27558-87).

Ўрганилаётган намунани физик тавсифлашда куйидаги кўрсаткичлар: намлик, аралашманинг металломагнитли хусусияти, зарарли ғумбак аралашмасининг ялпи улуши, нон захираларини зараркурандалар билан ифлосланиши (ДавСТ 1936, ДавСТ 9404, ДавСТ 24027.1, ДавСТ 24027.2, ДавСТ 27558 ва ДавСТ 27559.).

Ҳайвонлар кузатишлар вақти чегарасида (16-20 соат) тадқиқот объектининг тана вазнига нисбатан мг/кгги бир хил дозадаги препаратни қабул қилдилар. Доза киритилгандан сўнг 3 соат ўтиб ҳайвонларни озиқлантириш амалга оширилди. Рацион лаборатор ҳайвонлари учун оқсил, ёғ, углеводларни сақлаш бўйича махсус парҳез билан мувозанатлаштирилди (4-15).

Тадқиқ қилинаётган табиий маҳсулотнинг ўткир захарлилигини аниқлаш бўйича олиб борилган тажриба – препаратнинг ҳар бир шаклини 1500 дан 9000 мг/кг гача бўлган дозаларда меъда ичига бир марта киритилиш вақтида зотсиз оқ каламушларда ўтказилди. Янада юқори дозаларда кукунни киритилиши каламушлар меъдасига препаратни киритиш хажмининг физиологик чегараланганлиги ва етарли даражада эримаслиги сабабли техник жиҳатдан имконсиз бўлди. Тажриба ҳайвонларда препаратнинг энг юқори синов дозаси тавсия этилган технологик дозадан  $\approx 13$  мартага ошди, назорат ҳайвонлари эса эквивалент миқдорда дистилланган сувни қабул қилдилар.

Кўзнинг шиллик қаватига таъсирини ўрганиш учун, қуёнлар кўзининг конъюктивал қопчасига буғдой бачкиси кукунидан тайёрланган сувли суспензиянинг 0,05 мл ни бир марталик инокуляцияси ўтказилди.

Ўрганилаётган кукуннинг аллергенлик самараси туберкулин шприци ёрдамида эритманинг 50%ли концентрациясини суюлтирилган физиологик эритмасининг ҳар бир фармакологик шакллари денгиз чўчқалари қулоғининг ташқи юзасига 0,02 мл дан тери остига бир марта киритиш усули билан (гуруҳда 6 назорат ва 6 тажриба ўтказиладиган денгиз чўчқалари) баҳоланди. Қийёслаш учун назорат ҳайвонларига 0,02 мл физиологик эритма киритилди. Сенсibiliзацияни аниқлаш эритма инъекция қилингандан кейин 12-14 суткаларда амалга оширилди, бунда тананинг ёнбош юзаси соҳасига текширилаётган препарат туридан сенсibiliзацияловчи дозадан 1,5-2 марта ортувчи ( $\approx 4,9$  мг) дозада бир томчи суртилди, уни кесма орқали скарификатор билан 1-1,5 см юргизиб борилади. Скарификация жойидаги терининг реакцияси қуйидаги шкала бўйича 4-24-48 соат ўтиб ҳисобга олинади:

**1-жадвал**

Реакция тури	Реакциянинг белгиси	Реакциянинг баёни
манфий	–	Кесма ўлчамлари назорат гуруҳи ҳайвонлари каби
шубҳали	±	Скарификация ўрнида гиперемия
Кучсиз мусбат	+	гиперемия, скарификация ўрнида сезиларсиз зичлашиш
Ўрта даражадаги мусбат	++	5 мм ли пуфакчалар, яққол сезилади ва гиперемия билан ўралган
Кескин мусбат	+++	гиперемия, 10 мм ли пуфакчалар, лихенификация.

Назорат гуруҳи ҳайвонларини 2 кичик гуруҳларга ажратилди ва уларда скарификация синамаси ўтказилди: бунда бир гуруҳда физиологик эритмадар, иккинчи гуруҳда эса рухсат этилган дозада буғдой бачкиси кукунидан фойдаланилди.

Ўрганилаётган кукун эритмасини 28 кун давомида ҳайвонларнинг меъда ичига юборилди. Дастлабки доза кейинчалик ҳар 5 кунда 1,5 мартага ошириш билан тавсия этилган технологик дозанинг 1/10 қисмини ташкил этади, бу технологик дозани 10 мартадан кўпроққа ортишини юзага келтиради. Назорат гуруҳи ҳайвонларига эквивалент хажмда дистилланган сув киритилди. Тажриба ўтказишнинг бутун даври мобойнида тажриба ҳайвонларида қуйидаги кўрсаткичлар: тажриба давомидаги яшовчанлик, умумий ҳолат, ҳайвонларнинг фаоллиги, овқатни истеъмол қилиши, сув истеъмоли, тана вазни динамикаси, қоннинг морфологик таркиби, қоннинг биокимёвий кўрсаткичлари устидан кузатишлар олиб борилди.

Тирик қолган барча тажриба ҳайвонлари тадқиқот охирида декапитация йўли билан ўлдирилди ва патоморфологик тадқиқотлардан кейин йўқотилди. Ҳеч бир орган ёки тўқима бошқа мақсадларда фойдаланилмади.

Статистик таҳлил Word 2003 базасидаги «Гигиеник тадқиқотларни ўтказишда ва ташкил этишда далилларга таянган тиббиёт тамойилларидан фойдаланиш» услубий тавсиялари ва лаборатор текширишлар учун ишончли бўлган мезонларни аниқлаш йўли билан Стъудент ва Фишер бўйича ўтказилди (12-14). Тана вазни, захарланишнинг клиник белгилари, ўлим/фалажлик тажрибани ўтказиш давомида компьютер тизимига киритилди.

Клиник синовлар Тошкент тиббиёт академияси 1-клиникасининг гематология бўлимида очиқ усул бўйича ўтказилди.

Тадқиқотларга ўрта ва оғир даражадаги темир танқислик ва аралаш тавсифдаги камқонлик билан оғриган 30 нафар беморлар киритилди. Текшириладиган шахслар шартли равишда 2 гуруҳга ажратилди.

- Биринчи гуруҳ (назорат), стандарт даволашни қабул қилган камқонлик билан оғриган 15 нафар беморлар киритилди, уларга ферропрепарат сифатида феррофер препаратини томир ичига киритиш учун қўлланилди. Келиб чиқиши аралаш тавсифида бўлган беморлар 10 кун давомида темир препаратидан ташқари витамин В12 қабул қилдилар (1 жадвал).

- Иккинчи гуруҳ (асосий) 10 кун давомида стандарт даволаш ва буғдой куртагидан олинган «майсара» функционал овқатланиш маҳсулотини қабул қилдилар (2 жадвал).

Ҳар икки гуруҳ беморлари ёши бўйича ўзаро қиёсий, касаллик кечишининг бир хил клиник кўринишида бўлди.

Беморларни танлаб олиш. Клиник синовларга аралаш этиологияли камқонлик (витамин В<sub>12</sub> ва темир танқислиги) ва темир танқислик камқонлигига эга бўлган беморлар киритилди.

Биринчи гуруҳни ўртача ёши  $51,5 \pm 1,4$  ни ташкил этган, 28 ёшдан 75 ёшгача бўлган 15 нафар камқонлик касаллигига чалинган беморлар бўлиб, улардан 3 нафарини эркаклар ва 12 нафарини аёллар ташкил этди.

Иккинчи гуруҳни ўртача ёши  $40,4 \pm 1,3$  ни ташкил этган, 18-63 ёшдаги 15 нафар камқонлик касаллигига чалинган беморлар бўлиб, улардан 4 нафарини эркаклар ва 11 нафарини аёллар ташкил этди. Беморларга буғдой куртагидан олинган «майсара» функционал овқатланиш маҳсулотига улардан розилик келишуви олинди.

**Буюрилиш схемаси.** Буғдойнинг био майсалари «Майсара» табиий маҳсулоти асосида олинган хосила бўлиб, у қуйидаги схема бўйича буюрилди: ўрта ва оғир даражадаги камқонликка учраган беморлар эрталаб наҳорга кунига бир марта 200 мл сувга 1 чой қошиқ кукунни эритмаси кўринида истеъмол қилдилар.

Ўрганилаётган намунани физик тавсифлашда қуйидаги кўрсаткичлар: намлик, металлмагнит аралашмалар, ғумбакнинг зарарли кўшимчаларини масса улуши, нон захираларини зараркурандалар билан зарарланиши (ДавСТ

1936, ДавСТ 9404, ДавСТ 24027.1, ДавСТ 24027.2, ДавСТ 27558 ва ДавСТ 27559.).

Тошкент давлат стоматология институти болалар терапевтик стоматология поликлиникасига стоматологик ёрдам учун мурожаат қилган 8 ёшдан 14 ёшгача бўлган тиш кариесининг жадал, юқори даражаси кузатилган ҳар икки жинсдаги 26 нафар болаларда сўлак аралашмасининг биокимёвий текширишлари ўтказилди. Водород ионларининг концентрацияси потенциометрик усул билан аниқланди, сўлак аралашмасидаги кальций миқдорини фотоколориметрик усул билан ўрганилди.

Текширилган болалар 2 гуруҳга ажратилди. Асосий гуруҳдаги болалар (13 нафар) эндоген киритиш (ичга қабул қилиш) билан кариесни олдини олиш чора-тадбирлари мажмуасини қабул қилдилар.

Назорат гуруҳини 13 нафар болалар ташкил этиб, улар фақат профилактик чора-тадбирлар мажмуасини яъни буғдой куртагидан олинган «майсара» функционал овқатланиш маҳсулотини қабул қилдилар холос.

Кариесни олдини олиш чора-тадбирлари мажмуаси фтор профилактикасидан ташкил топган реминерализацияловчи даволаш курслари ва ортодонтик даволаш вақтида оғиз бўшлиғининг рационал гигиенаси кўникмаларига ўқитишни ўз ичига олади.

Кальций миқдорини аниқлаш учун кальций ионини этилендиаминтетрасирка кислота (трилон Б) билан мажмуа ҳосил қилишига асосланган усулдан фойдаланилди. Мазкур мажмуа рН 12-13 даги кучли ишқорий муҳитга чидамлидир. Бунда магний гидрооксид кўринишида ажралиб чиқади, шунинг учун магний ионларининг мажмуаси бу муҳитда парчаланаяди. Трилон Б билан титрланганда кальцийнинг эркин ионларини мавжуд бўлмаслигини мурексид индикатори ёрдамида аниқланди. Кальций иштирокида мурексид эритмаси қизил рангга бўялады. Агар кальций мавжуд бўлмаса, мурексид бинафша рангига киради.

Бунинг учун 0,5-1 см<sup>3</sup> хажмдаги оғиз бўшлиғи суюқлигидан фойдаланилди. Таҳлил учун олинган сўлакни 50 см<sup>3</sup> хажмдаги дистилланган сув билан суюлтирилди. Бу эритмага 1%ли 1 см<sup>3</sup> гидроксилмин гидрохлорид эритмаси ва гидроксид натрийнинг 2н эритмасидан 2 мл, шунингдек бир нечта мурексид кристали қўшилди ҳамда эритма бўёғини пушти рангдан бинафша рангига ўтгунча трилон Бнинг 0,005 н эритмаси билан титрланди. 0,5 см сўлакдан фойдаланганда сўлак аралашмасидаги кальцийнинг аниқлашни қуйи чегараси 8,0 мг/дм<sup>3</sup> ни ташкил этди.

Текширилган болалардаги стимулланмаган сўлакни нонуштагача, наҳорга йиғилди. Текшириш учун олинган 2 мл сўлак солинган стерилланган шиша пробиркалар -20°С ҳароратда музлатиш камерасида сақланди. рН ни ўлчашни сўлакнинг ҳарорати 25°С ҳолатида маҳсус иономер ЭВ-74 ёрдамида амалга оширилди. Назорат сифатида қурилма калибровкаси учун стандарт-титрларда тайёрланган, стандарт буфер эритмалардан фойдаланилди.

Тадқиқотлар натижасида олинган маълумотлар статистик қайта ишланишнинг тузилма функцияларидан фойдаланишни ўз ичига олган ҳолда, Microsoft Office Excel – 2003 дастур жамланмаси ёрдамида Pentium – IV

шахсий компьютерида статистик қайта ишланди. Бунда ўрганилаётган кўрсаткичнинг ўртача арифметик қиймати (M), ўртача квадрат оғиш (G), ўртача стандарт хатолик (m), нисбий катталиклар (частота, %), олинган ўлчовларнинг статистик аҳамияти бош дисперсияларнинг тенглиги (F – Фишер мезони) ва тақсимланишни меъёрдалигини текширишда (эксцесс мезони бўйича) хатоликлар эхтимоллигини (P) ҳисоблаш билан Стъюдент мезони (t) бўйича ҳисоблаш орқали вариацион параметрик ва нопараметрик усуллардан фойдаланилди. Статистик аҳамиятли ўзгаришлар сифатида  $P < 0,05$  ишончлилиқ даражаси қабул қилинди (Маматкулов Б.М. 2005, 2011).

Диссертациянинг «**Буғдойнинг био майсалари «Майсара» табиий маҳсулотининг озуқавий ва биологик қиймати**» деб номланган учинчи бобида буғдойнинг био майсалари «Майсара» табиий маҳсулотининг озуқавий ва биологик қиймати ўрганилди; ОАЖ ORION-SKORPION фирмаси томонидан ишлаб чиқилган ва сертификат ва технологик йўриқнома ҳам ишлаб чиқилган. Озуқавий моддалар— бу озиқ-овқат маҳсулотлари таркибига киритиладиган ёки бир вақтда овқат билан истеъмол қилиш учун мўлжалланган, табиий фаол моддалардир. Овқатга қўшиладиган биологик фаол қўшимчалар асосан озуқавий дисбалансни бартараф этишнинг диетологик усулларида бири сифатида профилактика мақсадида соғлом одамларнинг овқатланишида фойдаланиш учун мўлжалланган. Улар анъанавий маҳсулотлар ҳисобига бартараф этишнинг имкони бўлмаган овқатланишдаги танқисликларда зарурий компонентларни (асосан микронутриентларни) тушишини таъминлаган ҳолда рационни яқуний коррекциялашни амалга оширишга имкон беради. Амалий жиҳатдан буғдой био майсалари худди шундай самарага эга бўлади. Агар буғдойнинг ёш куртагини (14 кунга яқин бўлган куртакни) пухта тўплаб ва паст ҳароратда қуритилса, у ҳолда хлорофил ва янги майсанинг бошқа озуқавий моддалари ўзининг озуқавий қиймати ва биологик фаоллигини сақлаб қолади. Бунда энг муҳими буғдой куртаги кукунини ишлаб чиқаришнинг барча босқичларида ҳарорат тартиби тўғри ( $45^{\circ}\text{C}$  гача) сақланиши лозим.

Шундай қилиб, кукуннинг озуқавий моддалар, витаминлар, минерал моддалар ва антиоксидантларнинг юқори концентрланган манбаси ҳосил қилинади. Буғдойнинг био майсалари «Майсара» табиий маҳсулоти яшил рангда бўлиб, уни ўтказилган оғир касалликлардан кейин организмни мустаҳкамлаш ва кучга кириш учун қўлланилади. Тадқиқотнинг мақсади: «майсара» табиий маҳсулотининг озуқавий, биологик қийматини гигиеник асослаш.

«Майсара» табиий маҳсулотнинг таркибида буғдой кепагининг кўрсаткичлари устунликка эга бўлади, чунки улар 90%дан 95%гача тайёр маҳсулотлардан ташкил топади. Буғдой куртагидан олинган «майсара» функционал овқатланиш маҳсулотининг кукуни яшил рангда бўлиб, уни ўтказилган оғир касалликлардан кейин организмни мустаҳкамлаш ва кучга кириш учун қўлланилади.

Буғдойнинг био майсалари «Майсара» табиий маҳсулотининг таркиби 2-жадвалда кўрсатилган.

**2-жадвал**

**Буғдойнинг био майсалари «Майсара» табиий маҳсулотининг таркиби**

Таркиби	100 грамм маҳсулотдаги таркибий қисмлар нисбати (гр)
Буғдой кепаги	90
Зира меваси	2
Маккажўхори	2
Доғли персикария ўти	2
Фенхеля меваси	2
Қизилмия илдизи	2

3-жадвалда функционал овқатланишда қўлланиладиган, буғдойнинг био майсалари «Майсара» табиий маҳсулотининг органолептик кўрсаткичларининг натижалари тақдим этилган.

**3-жадвал**

**Буғдойнинг био майсалари «Майсара» табиий маҳсулоти органолептик кўрсаткичлари.**

Кўрсаткичларнинг номи	Буғдой кукуни	Биринчи навли буғдой уни
Ташқи кўриниши	Майда дисперсли кукун	
Ранги	Оч яшилдан –тўқ жигаррангигача	Қаймоқранг тусдаги оқ
Ҳиди	Махсус, бадбўй эмас, пўканакли эмас; маҳсулот компонентларига хос бўлган кучсиз ҳид сезилиши мумкин.	Ёт ҳидларсиз, буғдой унига хос бўлган ҳид, таркибида пўпанак аниқланмайди, бадбўй эмас.
Таъми	Махсус; маҳсулот компонентларига хос бўлган кучсиз ҳид сезилиши мумкин.	Ёт ҳидларсиз, буғдой унига хос бўлган ҳид, нордон ҳам, аччиқ ҳам эмас.

Буғдойнинг био майсалари «Майсара» табиий маҳсулотининг таркибида 100 грамм микдордаги, оқсиллар микдори  $14,56 \pm 0,09$ , углеводлар -  $49,36 \pm 0,36$ ,  $4,86 \pm 0,01$  ёғлар ни ташкил этган бўлса, уларнинг калориялилиги -  $290,6 \pm 1,31$  га тенг бўлди. Таркибида крахмал мавжуд эмас (4-жадвал).

**4-жадвал**

**Буғдойнинг био майсалари «Майсара» табиий маҳсулоти компонентларининг озукавий ва энергетик қиймати, 100 граммда**

№	Компонентлар	Оқсиллар, г	Ёғлар, г	Углеводлар, г	Калориялилик, Ккал
1.	Буғдой кепаги	$13,59 \pm 0,24$	$3,42 \pm 0,02$	$48,24 \pm 0,35$	$266,4 \pm 1,29$
2.	Зира меваси	$0,4 \pm 0,04$	$0,28 \pm 0,01$	$0,22 \pm 0,01$	$6,6 \pm 0,11$
3.	Маккажўхори сўтаси ва оғизчаси	0,06	$0,5 \pm 0,02$	$0,2 \pm 0,01$	$5,3 \pm 0,1$
4.	Доғли персикария ўти	0,01	$0,1 \pm 0,01$	$0,2 \pm 0,01$	$1,7 \pm 0,02$

5.	Фенхеля меваси	0,2±0,01	0,36±0,02	0,4±0,3	5,6±0,1
6.	Қизилмия илдизи	0,3±0,02	0,2±0,01	0,5±0,04	5±0,1
	Жами	14,56±0,09	4,86±0,01	49,36±0,36	290,6±1,31

Витаминлар, макро ва микроэлементлар миқдорини юқори даражада сақлаши «Майсара» учун хос бўлиб ҳисобланади, бу 5 ва 6-жадвалларда келтирилган.

#### 5-жадвал

#### Буғдой кепадан олинган «майсара» функционал овқатланиш маҳсулотининг таркибидаги витаминлар миқдори.

№	Компонентлар	Витамин А,мкг	Витамин В1,мг	Витамин С, мг	Витамин Е, мг
1.	Буғдой кепаги	0	0.68±0,03	0	0
2.	Зира меваси	0,36±0,01	0,008	0,42±0,01	0,05
3.	Маккажўхори	0	0,0044±	0,176±	0
4.	Доғли персикария ўти	0	0	0	0
5.	Фенхеля меваси	0.14±0,01	0	0.24±0,02	0
6.	Қизилмия илдизи	0	0	0	0
	Жами	0,36±0,02	0,0124	0,596±0,04	0,05

100 грамм «Майсара» таркибида витамин А - 0,36 мкг, витамин В1 - 0,0124 мг, витамин С - 0,596 мг ни ташкил этади.

#### 6-жадвал

#### Буғдой кепадан олинган «майсара» функционал овқатланиш маҳсулотининг 100 гр. да макроэлементларининг миқдори.

№	Компонентлар	Кальций, мг	Магний, мг	Натрий, мг	Калий, мг
1.	Буғдой кепаги	135±1,18	403,2±0,53	7,2±0.10	1134±1,96
2.	Зира меваси	13,78±0,25	5,16±0.04	0,34±0,01	27,02±0,11
3.	Маккажўхори	0,9±0,01	0	0,22±0,01	1,5±0,02
4.	Доғли персикария ўти	0,3±0,02	0,2±0,01	0	0,7±0,05
5.	Фенхеля меваси	0.98±0,08	0.34±0,01	1,04±0,03	8,28±0,14
6.	Қизилмия илдизи	0	0	0	0
	Жами	149,98±1,21	414,26±0,1	8,8±0,01	1171,5±1,98

6 - жадвалдан кўриниб турибдики, унда кальций миқдори 149,98±1,21 мг; магний 414,26±0,1мг; натрий 8,8±0,01мг; калий - 1171,5±1,98 мг ни ташкил этади.

Демак, темир моддаси 12,75±0,02 мг; рух 0,1402 мг; мис 18,2 мкг; ва марганец -0,033±0,01 миқдорни ташкил этади.

Шундай қилиб, кўплаб таркибий қисмлардан ташкил топган, овқатга қўшиладиган «Майсара»нинг органолептик ва физик –кимёвий кўрсаткичлари бўйича ДавСТ талабларига мос келади.

Диссертациянинг «Буғдойнинг био майсалари «Майсара» табиий маҳсулотини тиббий биологик баҳолаш» деб номланган тўртинчи бобида ҳайвонларга кўзда тутилган заҳарли дозани меъда ичига киритилгандан кейин буғдой куртагидан олинган кукунни токсикологик баҳолаш ҳисобланди.

7-жадвал

**Буғдой кепадан олинган «майсара» функционал овқатланиш маҳсулотининг 100 гр.таркибида микроэлементларининг миқдори**

№	Компонентлар	Темир, мг	Рух, мг	Мис, мкг	Марганец, мг
1.	Буғдой кепаги	12.6±0.09	0	0	0
2.	Зира меваси	0,325±0,01	0,11±0,01	18,2±0,17	0,03±0,01
3.	Маккажўхори сўтаси ва оғизчаси	0,058±0,01	0	0	0
4.	Доғли персикария ўти	0,003±0,001	0,0302±0,01	0	0,003±0,001
5.	Фенхеля меваси	0,01	0	0	0
6.	Қизилмия илдизи	0	0	0	0
	Жами	12,75±0,02	0,1402±0,01	18,2±0,16	0,033±0,01

Тажрибани ўтказиш давомида тажриба ости ҳайвонларида ўлим ҳолати кузатилмади. Тажрибани ўтказиш вақтида заҳарланишнинг клиник белгилари юзага келмади. Тажрибада фойдаланилган ҳайвонларнинг тана вазни назорат гуруҳидаги ҳайвонларнинг тана вазнидан ишончли фарққа эга бўлмади.

Тажриба ҳайвонлари кузатув соатлари вақтида (16-20 соат) тадқиқот объектининг тана оғирлигини мг/кг га мос келувчи бир хил дозани қабул қилдилар. Доза киритилгандан кейин 3 соат ўтиб, ҳайвонларни овқатлантириш амалга оширилди. Рацион лаборатор ҳайвонлари учун махсус пархездан иборат бўлган оксиллар, ёғлар ва углеводлар миқдори бўйича мувозанатлаштирилди. Ўрганилаётган кукунни ўткир заҳарлилигини аниқлаш тажрибаси шароитида – синовлар препаратни ҳар бир шаклини 1500 дан 9000 мг/кг гача бўлган дозада меъда ичига бир марта киритиш билан бажарилди. Тажриба ҳайвонларида препарат дозасини энг юқори синови тавсия этилган технологик дозадан ≈13 мартага ошди, назорат ҳайвонлари эса эквивалент дозада дистилланган сув қабул қилдилар.

